



THE CONCEPT, SCIENTIFIC ANALYSIS AND ESSENCE OF SOCIAL-CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT

Dildora Koraboyeva

Senior Lecturer of the Department of Social Sciences and History (PhD)

Tashkent International University of Financial Management and Technologies (TIFT)

Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: social, civilization, development, scientific interpretation, Eurasia, chess, board, continent, formation, chronological.

Received: 04.02.26

Accepted: 05.02.26

Published: 06.02.26

Abstract: This article analyzes socio-civilizational development: its concept, scientific interpretations and essence. The center of the research is the formation approach, step-by-step development, historical typological approach, chronological approach, global, regional and local approach, cultural-economic types, socio-civilizational approach analysis. The article covers extensive analysis, historical examples, political strategies, global politics and the importance of Eurasia for world domination. The concept of socio-civilizational development remains an important conceptual tool for understanding the historical direction of human society in modern sociological, economic and political research. The concept of socio-civilizational development presented in this article simultaneously defines the mechanisms of society's change and directions of future development.

ИЖТИМОЙ – ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТУШУНЧАСИ, ИЛМИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

Дилдора Қорабоева

“Ижтимоий-гуманитар фанлар ва тарих” кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)

Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети (TIFT)

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ижтимоий, цивилизация, тараққиёт, илмий талқин, **Аннотация:** Ушбу мақолада ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт тушунчаси, илмий талқинлари ва моҳияти

Евроосиё, шахмат, доска, континент, формацион, хронологик.

тахлил қилинади. Тадқиқотнинг марказида формацион ёндашув, босқичма - босқичли тараққиёт, тарихий типологик ёндашув, хронологик ёндашув, глобал, регионал ва локал ёндашув, маданий-хўжалик типлари, ижтимоий-цивилизациявий ёндашув таҳлили туради. Мақолада кенг таҳлиллар, тарихий мисоллар, сиёсий стратегиялар, глобал сиёсат ва Евроосиёнинг дунё ҳукмронлиги учун аҳамияти ёритилган. Ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт тушунчаси замонавий социологик, иқтисодий ва сиёсий тадқиқотларда инсон жамиятининг тарихий йўналишини тушунишда муҳим концептуал восита бўлиб қолмоқда. Ушбу мақолада келтирилган ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт тушунчаси бир вақтнинг ўзида жамиятнинг ўзгариш механизмларини ва келажакдаги ривожланиш йўналишларини белгилайди.

КОНЦЕПЦИЯ, НАУЧНЫЙ АНАЛИЗ И СУТЬ СОЦИАЛЬНО ЦИВИЛИЗАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ

Дилдора Корабоева

Ташкентский международный университет финансового управления и технологий (TIFT)

Старший преподаватель кафедры социально-гуманитарных наук и истории (PhD)

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальный, цивилизация, развитие, научная интерпретация, Евразия, шахматы, доска, континент, формирование, хронологический.

Аннотация: В данной статье анализируется социально-цивилизационное развитие: его концепция, научные интерпретации и сущность. В центре исследования находится формационный подход, поэтапное развитие, историко-типологический подход, хронологический подход, глобальный, региональный и локальный подходы, культурно-экономические типы, социально-цивилизационный подход к анализу. В статье представлен всесторонний анализ, исторические примеры, политические стратегии, глобальная политика и значение Евразии для мира. Концепция социально-цивилизационного развития остается важным концептуальным инструментом для понимания исторического направления

развития человеческого общества в современных социологических, экономических и политических исследованиях. Представленная в данной статье концепция социально-цивилизационного развития одновременно определяет механизмы социальных изменений и направления будущего развития.

Кириш. Таникли сиёсатшунос, американизм, АҚШ гегемонлигидаги глобализм тарафдори З.Бжежинский ўзининг “Буюк шахмат доскаси” асарида ёзади: “Тахминан 500 йиллардан бери сиёсий муносабатларда континентлар ўзаро алоқага киришдилар, Евроосиё дунё қудрати марказига айланди. Евросиёдаги турли халқлар, айниқса Ғарбий Европа қисмидаги халқлар турли йўллар билан дунёнинг бошқа ҳудудларига кириб ҳукмронлик қила бошладилар, айрим евроосиё давлатлари эса алоҳида мавқени қўлга киритиб, етакчи давлатлар қўллаб-қувватлашидан фойдаландилар. XX асрга келиб, евроосиёга тааллуқли бўлмаган давлат, яъни Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифоқи тугатилгач, чиндан ҳам глобал давлатга айланди...Евроосиё дунёга эгалик қилувчи, геостратегиясига эга давлатлар кураши давом этадиган “шахмат доскаси” га айланди...Ким Евроосиёни назорат қилса, у дунёни назорат қилади” [1;12]. З. Бжежинский американизм тарафдори сифатида фикр юритади, Американинг глобал давлатга айланишини асослашга, уни халқаро муносабатларга иқтисодий, информацион ва ҳарбий куч билан таъсир этишга даъват этади. Унинг фикрича, Евроосиёда Америкага рақобатдош давлат бўлмаслиги керак, бу эса Америка экспанциясини фаоллаштиришга чақириқ демакдир. Дунё аҳолисининг 75 % Евроосиёда яшайди, дунёдаги ер ости бойликларнинг асосий қисми ҳам Евроосиёда, дунё ички маҳсулотларнинг 60% ва энергетика захираларининг тўртдан уч қисми ҳам Евроосиёдадир. Шунинг учун “Евроосиё Америка учун бош геосиёсий тухфадир” [1;44].

Асосий қисм. З. Бжежинскийнинг ушбу сўзлари АҚШ ташқи геосиёсатининг мақсадини очиқ ифода этади ва Евроосиё учун кураш йирик давлатларнинг геостратегик мақсади бўлиб қолишидан дарак беради. Бу курашда АҚШ сиёсий, иқтисодий, информацион воситалардан, ҳатто ҳарбий куч ишлатиш ва давлат тўнтаришлари уюштириш каби ғайридемократик ва ғайримиллий усуллардан фойдаланишдан қайтмайди. Демак, Евроосиёнинг тараққиёти ва тинч, эволюцион, цивилизациявий ривожланиши учун қандайдир “ҳимоя”, “қалқон” зарур. АҚШ томонидан уюштириладиган глобал деструктив таъсир (бу ўринда АҚШнинг Вьетнам, Ироқ, Югославия, Сурия, Венесуэла миллий давлатларига тажовузларини мисол қилиб келтириш мумкин) олдида айрим олган миллий давлатларнинг энг демократик, энг олийжаноб стратегиялари ҳам ожиздир. XXI аср

геосиёсий ўйинлари миллий давлатларни, Ф.Фукуяма ибораси билан айтганда “кучли бўлиш” га ундамоқда [2]. “Кучли бўлиш” нинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий йўллари кўп, бироқ улардан самарали фойдаланишга барча миллий давлатларда ҳам имкониятлар, ресурслар етарли эмас. Ижтимоий-тарихий ва сиёсий-ҳарбий тажриба кўрсатадики, кучли бўлишнинг самарали йўлларида бири бирлашиш, консолидация ва кооперациядир. Т.Гоббс тўғри таъкидлайди, ташқи тажовуз ва сиқиб чиқариш хавфи кишини жамиятдан, ўзидан кучли субъектдан, ўз ҳаётини асраш учун, мадад излашга, бирлашишга мажбур этади [3;76]. Туркий тилли давлатларнинг бугунги консолидация ва кооперациялашишга интилиши ҳам ижтимоий-цивилизациявий тараққиётини ҳам келажакка йўналтирилган стратегик мақсадларнинг чин моҳиятини тўғри англашга ёрдам берадиган тажрибаларига эгадир. Мазкур тажрибаларни ўрганиш ретрофалсафий таҳлилни тақозо этади, турк цивилизациясининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни ҳам муаммонинг генезисига назар ташлашга ундайди. Буни аввало “ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт” дефинициясининг фалсафий моҳиятини очиқ беришдан бошлаш зарур. Одатда файласуфлар барча мушоҳадаларини энг муҳим дефиницияни аниқлашдан бошлашган. Бизда шундай дефиниция “ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт” тушунчасидир.

Илмий, ижтимоий-фалсафий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ижтимоий тараққиёт бўйича турли ёндашувлар, илмий концепциялар мавжуд. Улар ичида кенг тарқалгани:

- формацион ёндашув;
- босқичма - босқичли тараққиёт ишлаб чиқариш усулидан келиб чиқиш;
- тарихий типологик ёндашув (сиёсий-тарихий; ижтимоий-тарихий; иқтисодий-тарихий; маданий-тарихий);
- хронологик ёндашув (ибтидоий жамоа тузуми, қадимги давр, ўрта асрлар, янги давр, энг янги давр);
- глобал, регионал ва локал ёндашув;
- маданий-хўжалик типлари;
- ижтимоий-цивилизациявий ёндашув кабилардир.

Формацион ёндашувни марксизм илгари сурган деган фикр илмий, ижтимоий-фалсафий адабиётларда кенг тарқалган [4;128]. Уларда формацион ёндашув ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм (империализм) ва социализм (коммунизм)га бўлиниши келтирилади. Агар диққат билан назар ташласак, бу ёндашув К.Маркс кашфиёти эмаслигини кўрамиз. Ибтидоий жамоа тузуми инсоният ҳаётида энг муҳим ва энг узоқ асрлар (200-300 миллион йиллар) давом этган давр бўлганини таниқли этнограф, К.Маркс ҳам тилга оладиган Л.Г.Морган асослаган [5;12]. Мазкур асар инсоният

ижтимоий-цивилизациявий тараққиётини яхлит воқелик, ибтидоий даврни эса ўзига хос маданият ва цивилизацияга ўтиш босқичи сифатида қараган илк йирик тадқиқот эди. Кейинчалик ушбу ибтидоий давр Д.Ж.Фрезер, Э.Б.Тайлор, Леви Брюл, Б.Спенсер, Ф.Гиллен, П.Вирц, Клод Леви Стросс, З.Фрейд, К.Юнг, К.Лоренц томонидан чуқурроқ ўрганилади ва барча халқлар, этнослар ибтидоий жамоа тузуми даврини ўз бошидан кечиргани асосланади. Қулдорлик тузуми ҳақидаги фикрлар ҳам К.Маркс кашфиёти бўлмаган. К.Марксгача ҳам Қадимги Рим қулдорлик давлати бўлгани, қулдорлик белгиларининг турли кўринишлари ва аросатлари турли қадимги ва ўрта аср жамиятларида учраши қайд этилган [6;153]. К.Маркс формацион ёндашувни илгари сурганида ана шу тадқиқотлар натижаларига таянган. XX асрнинг 80-90 йилларига келиб коммунистик идеологиянинг инқироzi марксча-ленинча фалсафа ва ундаги формацион ёндашувга танқидий муносабатларни келтириб чиқарди. Марксча-ленинча фалсафа ва унинг илмий асослари ревизия қилина бошланди. Ғарбдаги аксилшўролар, антикоммунистик ғоялар тарафдорлари бўлган К.Поппер, Р.Арон, З.Бжежинский, Г.Киссенжер, Ж.Сорос, Ф.А.Хайек, Э.Фромм асарлари чоп этилди, таржима қилинди. Ғарбона либерал-демократик ғоялар, айниқса америкача прагматизм ижтимоий онгдан жой ола бошлади. Бироқ бу субъектив ва гносеологик ўзгаришлар формацион ёндашувни мутлақ сиқиб чиқаролмади, кўпгина тадқиқотчилар, К.Маркс исмини тилга олмаса-да, ибтидоий жамоат тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм босқичлари мавжудлигини эътироф этишади. Ижтимоий тараққиётнинг формацион моделини яратаётганида К.Маркс асосан ғарб, Европа тарихидан келиб чиққан. Марксча-ленинча фалсафа апологетлари ушбу моделни бутун инсоният тараққиётига тадбиқ этишга, шу тарзда дунёда коммунизм қарор топишини башорат қилганлар.

Ҳайратлиси шундаки, янги даврда ижтимоий тараққиётнинг магистрал йўллариини белгилаб берган, фалсафа ва илм-фан тарихида бетакрор из қолдирган мутафаккирлар ва ихтирочиларнинг бирортаси ҳам махсус университет маълумотига, билимига эга бўлмаган [7;9]. Сукрот, Платон, Арситотель, Лао Цзи, Конфуций, Будда, Нагаржуна махсус билимларга эга бўлмаганидек, янги давр мутафаккирлари Декарт, Бэкон, Гоббс, Спиноза, Локк, Лейбниц, Юм, Руссо ва Вольтер ҳам махсус билимларга эга бўлишмаган, лекин инсоният тафаккури ривожини, илмий -техник билимлар тараққиётини уларсиз, уларнинг маънавий меросисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Постиндустриал тараққиёт энг янги давр кашфиётлари билан боғлиқ бўлиб, Халқаро Давос форумининг доимий президенти А.Швабнинг ибораси билан айтганда, “тўртинчи саноат революцияси”, яъни роботлар, 3 D, 5 D, интернет, мобил алоқалар, трансмиллий корпорациялар, глобал алоқа тармоқлари, IDпарклар, сунъий трансплантлар билан боғлиқ ижтимоий тараққиёт босқичидир [8;32-39].

Мазкур даврда махсус билимлар ва тайёргарлик муҳим ўрин тутди, замонавий илмий-техник билимлар асосини эгалламай соҳада бирор янгилик қилиш ёки самарали фаолият юритиш мумкин эмас. Ишлаб чиқариш усулидан келиб чиқиб ижтимоий тараққиёт йўллари белгилашни, ёндашувини аввало француз социологи Э.Дюркгеймнинг меҳнат тақсимоти ва ижтимоий меҳнатнинг дифференциаллашуви назарияси билан боғлашди [9;26]. Ҳа, ижтимоий тараққиётда меҳнат тақсимоти, ижтимоий фаолиятнинг дифференциаллашуви муҳим ўрин тутди. Меҳнат тақсимоти турли касб-корларнинг вужудга келишига замин яратди, меҳнат жараёнларида профессионаллашув рўй берди. Меҳнат фаолиятига бўлган талаблар ва эҳтиёжлар кенгайиб, инсон қобилиятларининг ривожланиши учун зарур имкониятлар туғилди. Энди кишиларни шунчаки меҳнат, иш жараёнлари қониқтирмай қўйди, меҳнат турларига эстетик талаблар ошди. Меҳнат маҳсулотларига нисбатан гўзал ёки хунук, қулай ёки ноқулай, фойдали ёки фойдасиз каби меъёрлар қўлланиладиган бўлди. Қандай меҳнат маҳсулотлари гўзал, қулай ва фойдали бўлса кишилар, жамиятлар томонидан қўллаб-қувватланди, бундай меҳнат эгалари эса алоҳида қадрланадиган, эъзозланадиган бўлди. Меҳнат тақсимоти, ижтимоий меҳнатнинг дифференциаллашуви ижтимоий тараққиётнинг, цивилизациянинг барча босқичларида давом этиб келган феномендир. Шунинг учун унга маълум бир давр, босқич маҳсули сифатида қараш нотўғридир. Ҳатто бугун ҳам ижтимоий меҳнат соҳасида, дунёда ҳар куни ўртача беш-олти янги касб-хунар пайдо бўлади. Меҳнат турларининг ўзгариши ёки кенгайиши билан ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳам трансформацияга учрайди. Бозор муносабатларининг кишилар, аҳоли талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ чуқурлашуви янги-янги меҳнат, хизмат турларининг пайдо бўлиши учун замин тайёрлайдики, бу ҳол ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт учун муҳимдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий-иқтисодий адабиётларда “бозор маданияти”, “бозор цивилизацияси”, “меҳнат бозори” каби дефинициялар даврнинг, ижтимоий тараққиётнинг қандай рўй бераётганини кўрсатувчи белгилар сифатида қўлланилади. Индустириал тараққиёт илмий-техник кашфиётларга асосланса-да, у бозор иқтисодиётини, турли касб-корлар ва меҳнат турларини рад қилмайди, балки уларни илмий-техник кашфиётлар билан уйғунлаштиради. Кейинги йилларда постиндустириал тараққиёт моделини идеаллаштиришга, уни инсоният тараққиётида эришилган, цивилизациянинг чўққиси сифатида эъзозлашга интилиш кучайиб бораётгани кузатилади [10;4]. Постиндустириал тараққиёт босқичи кишини оғир қўл меҳнатидан халос этмоқда, унинг узоқ йўллари яқин, меҳнатини самарали ва фойдали, алоқаларини мобил ва глобал қилмоқда. Бироқ постиндустириал жамият инсоният тараққиётининг охири босқичи, яқини эмас, бу яқин қаерда ва унга қачон инсоният етиб боради, бу саволларга ҳеч ким аниқ жавоб беролмайди. Шунинг учун ҳам футурологик

тадқиқотларда келажак модели “идеал”, “етук”, “ривожланган”, “мукаммал” деган эпитетлар билан белгиланади, улар эса тараққиёт якуни бўла олмайди [11;12]

Тарихий-типологик ёндашув деганда сиёсий-тарихий, ижтимоий-тарихий, иқтисодий-тарихий ва маданий-тарихий босқичларни ўз ичига оладиган тараққиёт йўллари назарда тутилади [12;24]. Инсониятнинг ижтимоий тараққиёти унинг тарихий борлиги, тарихий ҳаёти ва тажрибалари билан узвий боғлиқдир. Ушбу боғлиқликдан келиб чиқиб Ф.Ницше ёзади: “Бизга тарих ҳаёт ва фаолиятдан қочиш учун эмас, ўз ҳаётимизни кўз-кўз қилиш, қўрқоқ ва ялқов амаллар учун ҳам эмас, балки ҳаёт ва фаолият учун зарур...Биз тарихга қанчалик хизмат қилишга рози бўлсак, тарих ҳам бизга шунча хизмат қилади, аммо тарихга хизмат қилишнинг шундай усуллари борки, улар ҳаётни сўнишига олиб келиши билан зарарлидир [13;159]. Шунинг учун тарих саналар, воқеа-ҳодисалар ва эсдаликлар тўплами эмас, у жонли ҳаёт ва фаолият учун зарурдир. Сиёсий-тарихий тараққиётни одатда давлат, бошқарув институтлари, армия, халқ ҳўжлигини йўлга қўйиш, ҳуллас, жамият ва давлат ҳаётини бошқариш жараёнлари билан боғлаб ўрганишади. Сиёсий институтлар, ҳуқуқ, суд, ички ишлар органлари, прокуратура, адвокатура, социал хизматларни йўлга қўйиш тажрибалари ҳар бир даврда ўзига хосдир. Жамиятда рўй берадиган туб ўзгаришлар, парадигмал янгиликлар сиёсий-тарихий тараққиётни бошқа томонга буриб юбориши мумкин. Масалан, советлар тузуми даври тазйиқидан ҳалос бўлган мустақил давлатлар МДХда ўзининг ижтимоий тараққиёт моделларини ўзлари белгилаб олган. Бу коммунистик идеалдан ва идеология тазйиқидан ҳалос бўлган парадигмал аҳамиятга эга ўзгариш, янгилик эди. Сиёсий–тарихий ёндашув, тараққиёт модели ижтимоий тараққиётда сиёсий омиллар – давлат, ҳуқумат, парламент, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари кабиларга алоҳида эътибор қаратилади. Инсоният тараққиёти кўрсатадики, айнан сиёсий омиллар ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт стратегиясини белгилаб, жамият ривожланишига йўналиш беради. Шу билан бирга, сиёсий-тарихий ёндашувда сиёсий омилларга катта эътибор берилиб, уларни мутлақлаштириш имконияти мавжудлигини рад қилиб бўлмайди. Инсониятнинг ижтимоий-цивилизациявий тараққиёти фақат сиёсий омилларга боғлиқ эмас, унда иқтисодий, маданий, психологик, этнологик, антропологик каби омиллар ҳам муҳим рол ўйнайди. Иқтисодий-тарихий ёндашув диққат марказига ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва улар билан боғлиқ омилларни ўрганишни қўяди. Бу ёндашувнинг босқичма-босқичли ёндашувга яқинлигини кузатамиз. Масалан, аграр муносабатлар қарор топган босқичда ер, мулк, сув, суғориш иншоотлари, экин экиш ва териб олиш, қишлоқ маҳсулотларини алмаштириш ёки сотиш кабилар иқтисодий-тарихий характерга эга

ижтимоий воқеликлардир. Ёки индустриал тараққиёт босқичидаги бозор иқтисодиётини олайлик.

Индустриал жамият илмий-техник кашфиётлар ва ақлий меҳнатни қўллаб-қувватловчи воситаларга таянади, аммо улар бозор иқтисодиётига хос бўлган тижоратлаш, олди-сотди, лизинглаштириш, банк-кредит тизими кабиларсиз мавжуд бўла олмайди. Демак, иқтисодий-тарихий ёндашув барча босқичларда, тараққиёт моделларида қатнашади, уларнинг кишиларнинг моддий эҳтиёжларига мувофиқ келишини таъминлайди. Маданий-тарихий ёндашув жамият тараққиётидаги маданий, маънавий ва ижодий омилларнинг ролини кўрсатишга қаратилган усул ҳисобланади. Ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт марказида маданий омиллар, маданий-тарихий тажрибаларни ўрганиш туради [14;48]. Шу тариқа ижтимоий тараққиёт маданий-тарихий жараёнларнинг маҳсули, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ифодаси, квинтэссенцияси сифатида тақдим этилади. Мазкур муносабатлар шаҳар ва шаҳар инфратузилмаси, полисдаги ижтимоий муҳит ва шаҳар аҳолисининг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маданий марказлар фаолияти орқали таҳлил қилинади. Улар ичида кишиларнинг турмуш тарзи, ижтимоий онги, социумга муносабатлари, ишчанлиги, урбанизацияси каби қатор омиллар ҳам борки, ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт Ф.Ницше ибораси билан айтганда, “этносларни турли маданиятлар таъсиридан юзага келадиган хаосдан қутулиш” имкони эди.Файласуф бу ўринда ҳар бир халқ, этнос ўзига хос бўлган хислатларни, мадани й ядрони сақлаб қолиши зарурлигини назарда тутди. Маданий интеграция ташқи таъсирларнинг кенгайишига олиб келади, ушбу таъсирларни миллий эҳтиёжлар ва манфаатлар, ахлоқ, таълим кабилар синтездан ўтказиш халқни, миллий маданиятни ассимиляциялашувдан сақлаб қолади. Хронологик ёки ретроспектив ёндашув ижтимоий тараққиётни энг қадимги давр, қадимги давр, ўрта асрлар, янги давр, энг янги давр каби босқичларга бўлиб ўрганиш усулидир. Улар ҳақида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ва турли илмий концепциялар нуктаи назаридан таҳлил қилинган. Шунинг учун уларни такрорлаб, тавтологияга берилиш, бизнинг фикримизча, шарт эмас. Бу ўринда мавзумиз учун муҳим бўлган хронологик ёндашувнинг ижтимоий-цивилизациявий тараққиётни қандай ёритади, у мураккаб воқеликни примитив тасаввур қилишга, ҳатто тарихий аҳамиятсиз бўлган воқеликларни, фактларни мутлақлаштиришга, фалсификациялаштиришга олиб келмайдими? деган саволга жавоб излаш зарур. Жаҳон цивилизацияларни махсус тадқиқ этган ва бу борада етакчи ўринда қолаётган инглиз тарихчиси, файласуфи А.Тойнбининг фикрлари муҳим илмий методологик аҳамиятга эга. Унинг фикрига кўра, инсониятнинг цивилизацияга қадам қўйганига 6 минг йиллар бўлган. Цивилизацияларнинг шаклланиши икки йўл билан амалга ошган: биринчиси – ўзаро таъсирдан, бир - бирига яқин этносларнинг интеграцион

алоқалар маҳсулидир. Европа цивилизацияси ана шу тарзда, Рим, Афина, Крит ва ўрта асрлардаги Уйғониш, Маърифатпарварлик ҳаракатлари таъсирида юзага келган. Иккинчиси, бир - биридан узоқ, беҳабар тарзда шаклланган цивилизациялар. Уларга Хитой, Ҳиндистон, улардан фарқли тарзда юзага келган юнон цивилизациялари киради [14; 238].

А.Тойнбининг фикрига кўра, қадимги цивилизациялар ўртасида бевосита алоқалар, бир-бирига парадигмал таъсир этган ва цивилизацияларни шакллантирган омиллар деярли йўқ, аммо улар ўртасидаги моҳиятан яқин мавзулар, асарлар, ёндашувлар юзага келган. Бу цивилизациялар ўртасидаги бевосита таъсирларнинг эмас, балки инсоннинг миллати, этносга тааллуқли эканидан, ҳар қандай жуғрофий-локал таъсирлардан қатъий назар умумий конституцияга, манфаатлар ва эҳтиёжларга эга экани билан изоҳланади.

Масалан, инсон Хитойда ҳам, Афинада ҳам ёйди, ичади, биологик эҳтиёжларини қондиришга интилади, оиласини асраш учун курашади. Мана шундай эҳтиёжлар инсоннинг, қаерда яшаши ва фаолият юритишидан қатъий назар, умумий хусусиятларга эга эканини кўрсатади. Цивилизацияларнинг алоҳида, локал воқелик сифатида юзага келиши уларни шакллантирган этнослар, қавмлар ва конгломератлар ўртасида перманент алоқалар бўлганини инкор қилмайди. Мазкур этнослар, қавмлар ва конгломератлар шакллантирган умумий тил, анъаналар, диний-маънавий тасаввурлар перманент алоқаларсиз цивилизация шаклланиши мумкин эмаслигини тасдиқлайди. Масалан, Монғолия ҳудудларидан тортиб то Туркия давлатигача бўлган жуғрофий ҳудудда яшаган йигирмадан зиёд этнос, қавм ва конгломератлар ўзаро перманент алоқалари туфайли бир-бирини тушунадиган тил, бир-бириникига яқин турмуш тарзи, умумий диний-маънавий тасаввурлар, шаклан яқин шаҳар ва кентлар (полислар), уларни бошқариш усуллари, яъни турк цивилизациясини шакллантирганлар. Ижтимоий-цивилизацион тараққиётга глобал, регионал ва локал ёндашувлар моҳиятан ижтимоий борлиқни, дунёни бутун ва ички қарама-қаршиликлари билан англашга интилишдир. Мазкур ёндашув тарафдорлари А.Тойнби, А.Дилегенский, қисман эса О.Шпенглер, Шри Ауробиндо ва П.Сорокиндир [15;3-5]. Глобал ёндашув цивилизациядан умуминсоний белгилар ва омилларни қидиради. Унда асосий эътибор инсониятни умумий бирлик, умумий социум ва умумий тараққиёт парадигмасига эга субъект сифатида қараш, талқин қилиш етакчилик қилади. Шри Ауробиндо талқинига кўра, инсоният умумий идеал, умумийлик излаб яшайди. Инсониятга умумий ментал хос ва ушбу ментал хусусияти туфайли у умумсайёравий бирлашишга мойил. Файласуф глобал миқёсдаги умуминсоний бирлик, умуминсоний жамият, глобал иттифоқ тузиши зарур [16;287]. Тўғри, Шри Ауробиндо муаммога теологик, спиритуалистик ёндашади, ментал воқеликни инсоният тараққиётидаги ўрнини мутлақлаштиришга интилади. Маънавий, спиритуалистик омилларнинг ўрни умумпланетар бирликни шакллантириш учун муҳим,

аммо улар ягона восита бўла олмайди. Регионал ёндашув этномаданий жараёнларни англаш учун зарур усулдир. Ҳар бир ҳудуд ўзининг этномаданий тажрибалари ва олами, ижтимоий борлиқни идрок этиш, маданий-маънавий бойликлар, қадриятлар яратиш у усулларига эга. Минтақавий характерга эга регионал ёндашув ижтимоий-цивилизациявий жараёнларни маълум бир этник бирликлар, конгломератлар нуктаи назаридан ёритиш имконини беради. Регионал ёндашувни глобал ёндашувга ўтиш босқичи сифатида идрок этиш мумкин. Локал ёндашув миллий маданиятлар ичидаги тизимлар ва мультикультуралистик оқимлар, мактабларни англашга ёрдам беради. Ҳар бир миллий маданият ўзининг ички тизимлари ва мактаблари орқали жонли, динамик ва ижтимоий тараққиёт талабларига мувофиқ ўзгарувчан воқеликдир. Лаҳжалар, ҳўжалик типлари, урф-одатлар ва маросимлар, муомала маданияти (масалан, Фарғона водийси аҳолиси ҳатто ўзидан кичикка ҳам “сиз”лаб мурожаат этади, Хоразм ва Қорақолпоқ этносларида эса кўпроқ “сен” ишлатилади. Хоразм ва Қорақолпоқларда майитни ер устига жойлаш урф бўлса, Тошкент, Фарғона водийсида ерга, лаҳадга кўмиш одатдир). Айнан мультикультурализм миллий маданиятнинг ривожланишига туртки беради, уни цивилизациявий йўлдан боришга етаклайди. Мультикультурализмдаги ранг-баранглик, ички динамизм миллий маданиятни цивилизациядаги ўзгаришларни сезиб, уларга муносабат билдириб ривожланишга ундайди [17;15].

Ижтимоий-цивилизациявий тараққиёт миллий маданиятлардаги барқарор анъаналарга, қадриятларга таянмаслиги мумкин эмас. О.Шпенглер, А.Тойнби, А.Данилевский маданиятнинг цивилизацияга ўтишини ижтимоий тараққиётдаги табиий жараён ҳисоблашган. Аммо бу жараён маданият ўзагини ташкил этувчи маданий-хўжалик типларини инкор қилмайди. Дарвоқе, цивилизация ядросини ташкил этувчи шаҳар, урбанизация ва конгломерат маданий-хўжалик типлари негизида юзага келган. Фалсафа фанлари доктори, профессор Исо Жаббаровнинг қайд этишича, айнан маданий-хўжалик типлари миллий маданиятларнинг ўзаги ҳисобланади, нимаки миллий маданий ҳаётга тааллуқли бўлса, у маданий-хўжалик типлари орқали реал воқеликка, миллий бойликка айланган [18;124]. Маданий-хўжалик типлари турмуш тарзи, оила ва оилавий муносабатлар, маросимлар, хўжалик ишлари, кийиниш маданияти, озиқ-овқат жамлаш ва тайёрлаш тажрибалари, оиладаги меҳнат тақсимооти анъаналарини давом эттириш, қуандачилик, маҳалладошлар билан бирга бўлиш кабиларни ўз ичига олади. Бир қарашда уларнинг ижтимоий-цивилизациявий тараққиётга алоқаси йўқдек кўринади. Шаҳар маданияти ва урбанизациясини, илмий-техник кашфиётлардан ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланишни назарда тутадиган ижтимоий-цивилизацион тараққиёт маданий-хўжалик типларига мутлақ бефарқ, ҳатто унга колоқлик белгиси сифатида

карайди, дейиш мумкин. Агар О.Шпенглер қилганидек, цивилизацияни маданиятга қарши қўйсақ, ҳақиқатан ҳам, маданий-хўжалик типлари билан ижтимоий-цивилизация таракқиёт бошқа-бошқа воқеликлар эканини сезамиз. Бироқ шарқ халқлари маданияти цивилизацияга зид туриб унга қўшилмайди, балки барча соҳаларда бўлгани каби, маданий ва цивилизациявий таракқиётда ҳам тадрижий, ўтмиш билан уйғун тарзда, позитив анъаналарни асраган ҳолда ижтимоий-цивилизациявий таракқиётга айланади. Европада (О.Шпенглер, Ф.Ницше) цивилизация маданиятдан тадрижий ўсиб чиқмайди, балки уни нигилистча рад этиб, мутлақ янги кўринишга ўтиб шаклланади. Европадаги янги давр цивилизациясининг ижтимоий шаклланишини О.Шпенглер ва Ф.Ницше шундай тасаввур этишган, уларнинг бу қарашлари ҳанузгача файласуфлар томонидан қўллаб-қувватланади. Ҳатто нигилистча рад этишга қўшилмаган К.Ясперс ҳам ижтимоий-тарихий таракқиётни “ўқ чизик” (“осовое время”) назарияси орқали тасвирлаганида маданиятнинг “ҳалокатга учраб мутлақ янги кўринишга”, яъни цивилизацияга ўтишини, қисман бўлса-да, эътироф этади [19;6-7]. Ғарб ижтимоий фикрига хос бўлган нигилизм ва прагматизм анъанавийликни ёқтирмайди, тарихий тажрибаларга сажда қилишни рад этади. Шунинг учун ҳам унда маданиятнинг “ўлими” билан цивилизациянинг юзага келиши одатий қараш сифатида қабул қилинади. Шарқ эса ўзининг тарихий тажрибалари ва анъаналарига содик тарзда, маданият билан цивилизация ўртасида тадрижийлик мавжуд деб билади. Шунинг учун ҳам шарқда ижтимоий-цивилизациявий таракқиёт маданиятни мутлақ рад этишга эмас, балки позитив аҳамиятга эга маданий-хўжалик типларини давом эттириш, ундаги позитив тажрибаларга таяниш тарзида келади. Шарқ маданияти тарихи ва цивилизацияларини ўрганган бирорта тадқиқотчи ҳам конфуцийлик, буддавийлик ва ислом шакллантирган маданий-хўжалик типларини рад этган, уларнинг ижтимоий-цивилизациявий таракқиётга ғов бўлган воқеликлар эканини таъкидлаган эмас. Ижтимоий-цивилизациявий ёндашув инсоният таракқиётини миллий маданий тажрибалар, бойликлар ва анъаналар билан уйғун қарашга қурилган усулдир. Биз у ҳақда келгуси мавзуларда махсус тўхталамиз ва ижтимоий-цивилизациявий ёндашувнинг шарқона хусусиятлари ва белгиларини очиқ берамиз. Аммо бу ўринда илмий-методологик аҳамиятга эга бўлган бир нарсани айтиб ўтишимиз зарур.

Хулоса. Ижтимоий-цивилизациявий ёндашувнинг шарқона кўринишини ғарбона талқинига қарши қўйиш хатодир. Цивилизациялар назарияси миллий маданиятларни, цивилизация ривожланишнинг миллий хусусиятларини бир-бирига қарши қўйишни эмас, балки улар негизидаги умумийликни, муштарак жиҳатларни топишга, шу тарзда цивилизацияни умуминсоний аҳамиятга феномен сифатида талқин қилишга ундайди. Цивилизациялардаги ўзига хослик, ранг-баранглик ва плюралистик мультикультурализм

миллий маданиятлар ва цивилизацияларни бир-бирига қарши қўйишга асос бўла олмайди, улар ўртасидаги “тўқнашув” (С.Хантингтон ибораси) умуминсоний тараққиёт нуқтаи назаридан ҳал қилиниши мумкин бўлган ҳодисадир. Геосиёсий муносабатлар кескинлашган ҳозирги пайтда цивилизациялар тўқнашувини шов-шувга айлантириш мавжуд зиддиятларга мой қўйиш билан баробардир. “Цивилизациялар тўқнашуви” қанчалик эътиборли назария, ибора ва муаммо бўлмасин, биз ундан зиддиятларни авж олдиришга олиб келадиган сабабларни эмас, балки маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида ўрнатилиши мумкин бўлган конструктив диалогни ёқлаб чиқишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий – цивилизациявий тараққиёт инсониятнинг тарихий сафарида умумий инсон тажрибаси ва маънавий қадриятларнинг сақланиши билан бирга, ҳар бир цивилизациянинг ўзига хослигини ҳурмат қилишни тақозо этадиган мураккаб жараёндир. Қайси ҳудуд да бўлишидан қатъий назар мультикультурализм ички ранг-баранглик сифатида анъанавийликка замонавийликни, консерватизмга тараққийпарварликни олиб киради, миллий маданий ҳаётни цивилизация каби жонли, ҳозиржавоб ва изланувчан қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бжежинский З. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – Москва: АСТ, 2014.
2. Фукуяма Ф. Сильное государство. Управление мировым порядком в XXI веке. - Москва: АСТ, 2002
3. Гоббс Т. Сочинения в двух томах. Том 1. – Москва: Мысль, 1991.
4. Матвеева А. Философия. Учебное пособие. – Москва: Бук, 2018.
5. Морган Л.Г. Древнее общество. Исследование линий человеческого прогресса от дикости через варварство к цивилизации. –Москва: Академия фундаментальных исследований, 2014.
6. История государства и права зарубежных стран. Часть 1. Учебник. . – . Москва: Норма М., 2001.
7. Готтлиб Э. Мечта о просвещении. Рассвет философии нового времени. – Москва: Альпина нон –фикшн, 2020.
8. Шваб А. Четвертая промышленная революция. – Москва: АСТ, 2019.
9. Дюркгейм Э. Об общественном разделении труда. – Москва: Экономика, 1999.
10. Иконникова Г. И. Теория “постиндустриального общества”: будущее человечества и его буржуазные толкования. Критический анализ. – Москва: Мысль, 1975.

11. Бабкин Р. Информационный завет. Футурологические исследования. – Москва: Литрес, 2019.
12. Бобкова Е.Ю., Ефремов В.Я., Зотов А.В., Зотова М.Ю. и др. Методология истории: некоторые актуальные проблемы.- Самара: ПСГА, 2014.
13. Ницше Ф. Сочинения в двух томах. Том 1. – Москва: Мысль, 1990.
14. Тойнби А. Постигение истории. – Москва: Прогресс, 1991.
15. Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. – Москва: АСТ, 2002.
16. Дилегенский А. Россия и Запад. – Москва: Наука, 1978.
17. Шпенглер О. Закат Европы. – Новосибирск: Наука, 1989.
18. Шри Ауробиндо. Идеал человеческого единства. – Москва: АСПЕКТ ПРЕСС, 1994.
19. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – Москва: Политиздат, 1991.